

МАЪРУЗАЛАР БЎЙИЧА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛ

“Маъмурий жавобгарлик”

Маъруза мавзуси: *Маъмурий жазо чоралари тушунчаси, мақсади ва турлари*

Маърузачи: Р.С.Алтиев

1. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади:

Маърузада “Маъмурий жавобгарлик” модулининг 5-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги “Маъмурий жазо тушунчаси. Маъмурий жазо мақсади. Маъмурий жазо чоралари тушунчаси. Маъмурий жарима тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари. Ҳақини тўлаш шарт билан олиб қўйиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Мусодара қилиш мазмуни ва хусусиятлари. Махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш тушунчаси ва турлари. Маъмурий қамоққа олиш мазмуни. Маъмурий қамоққа олишни қўлловчи органлар. Маъмурий қамоққа олиш қўлланилмайдиган ҳолатлар.” ҳақидаги асосий тушунчаларни бериш ва талабаларда мазкур ҳуқуқ институтлари ҳақида тегишли билимларни шакллантиришдан иборат. Маъруза жараёнида мавзуга доир муаммоли масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилади, амалиёт таҳлил қилинади, муаммоли масалалар бўйича тарқатма материаллардан фойдаланилади.

Маъруза натижасида талаба:

- маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлиш имкониятига эга бўлади;
- маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли моддий ва процессуал қонун нормаларини қўллай олиш кўникмасига эга бўлади;
- ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш, қонунларни амалётга қўллай олиш тайёрлаш кўникмасига эга бўлади;

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ✓ Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ✓ Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- ✓ Мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ✓ Режа асосида слайдлар ёрдамида маъмурий жазони тайинлаш тушунтирилади;
- ✓ Процессуал ҳужжатлар ўрганилади ва таҳлил қилинади;
- ✓ Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ✓ Муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ✓ Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ✓ Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага якун ясалади.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

- **Маъмурий жазо тушунчаси ва мақсади** – Маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.
- **Маъмурий жазонинг турлари** - Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:
 - 1) жарима;
 - 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;
 - 3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;
 - 4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;
 - 5) маъмурий қамоққа олиш.2—5-бандларида санаб ўтилган маъмурий жазо чоралари фақат Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланиши мумкин. Қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун ажнабий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш назарда тутилиши мумкин.
- **Асосий ва қўшимча маъмурий жазо чоралари** - Ашёларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш ҳам асосий, ҳам қўшимча маъмурий жазо тариқасида; МЖТКнинг 23-моддасида назарда тутилган бошқа маъмурий жазо чоралари эса фақат асосий жазо тариқасида қўлланилиши мумкин. Битта маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ё асосий ёки ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо чораси қўлланилиши мумкин.
- **Жарима** - Жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришдир. Жариманинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса бу ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг элликдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса — ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак. Фуқаро ва хизматчиларга солинадиган жариманинг энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ошмаслиги керак. Баъзи ҳуқуқбузарликлар учун фуқаро ва хизматчиларга — энг кам иш ҳақининг юз бараваригача ва мансабдор шахсларга — бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан белгиланадиган жариманинг энг кўп миқдори ушбу Кодекснинг 6-моддасига биноан фуқароларга — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ошмаслиги керак.
- **Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш** - Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш шу ашёни мажбурий тарзда

тортиб олиб, уни кейинчалик сотиб юбориш ҳамда сотишдан тушган пулни ашёнинг собиқ эгасига тортиб олинган ашёни сотиш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда топширишдан иборатдир. Ўқотар қурооллар ва ўқ-дориларни ҳақини тўлаш шарт билан олиб қўйиш асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас. Ашёни ҳақини тўлаш шарт билан олиб қўйиш чорасини қўлланиш тартиби ва тортиб олинадиган ашёларнинг турлари ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

- **Мусодара қилиш** - Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш бу ашёни ҳақ тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборат бўлиб, бу чора туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан қўлланилади. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқбузарнинг шахсий мулки бўлган ашёгина мусодара қилиниши мумкин. Ўқотар қурооллар ва ўқ-дориларни, бошқа ов қуроолларини мусодара қилиш асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас. Мусодара қилиш чорасини қўлланиш тартиби ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.
- **Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш** - Муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум қилиш чораси туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан уч йилгача муддатга қўлланилади. Бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати ўн беш кундан кам бўлмаслиги керак. Ногиронлиги сабабли транспорт воситаларидан фойдаланадиган шахсларга нисбатан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш чораси қўлланилиши мумкин эмас, ушбу Кодекс 1283-моддасининг бешинчи қисмида, 1284-моддасининг учинчи қисмида, 131-моддасининг биринчи қисмида, 136-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилган ҳоллар бундан мустасно. Асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш чораси қўлланилиши мумкин эмас.
- **Маъмурий қамоққа олиш** - Маъмурий қамоққа олиш уч суткадан ўн беш суткагача муддатга, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун — ўттиз суткагача муддатга қўлланилади. Маъмурий қамоққа олиш туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, шунингдек ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан белгиланади. Маъмурий қамоққа олиш чораси ҳомиладор аёлларга, уч ёшгача боласи бўлган аёлларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини яқка ўзи тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.
-

4. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Маъмурий жазо қўлланилишининг умумий қоидалари. Маъмурий жазо — маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган доирада ва

тартибда қўлланилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни назарда тутувчи санксияларда – жазо чораси ва унинг рухсат этилган меъёрлари (ҳажми) кўрсатиб ўтилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чикувчи давлат органи (мансабдор шахс):

биринчидан, маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи модда санксиясида кўрсатиб ўтилган жазони тайинлаши мумкин;

иккинчидан, маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи модда санксиясида кўрсатиб ўтилган қўшимча жазони тайинлаши ёки тайинламаслиги мумкин;

учинчидан, маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи модда санксиясида кўрсатиб ўтилган жазонинг қуйи ва юқори ҳажмлари доирасидан келиб чиққан ҳолда қўллаши мумкин.

Ваколатли давлат органи (мансабдор шахс) жазони қўллаш чоғида, содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкӣ аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозим.

Маъмурий жазо мақсади.

Маъмурий жазо чоралари тушунчаси.

Маъмурий жарима тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари.

Ҳақини тўлаш шarti билан олиб қўйиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Мусодара қилиш мазмуни ва хусусиятлари.

Махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш тушунчаси ва турлари.

Маъмурий қамоққа олиш мазмуни.

Маъмурий қамоққа олишни қўлловчи органлар.

Маъмурий қамоққа олиш қўлланилмайдиган ҳолатлар.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

1. Маъмурий жазо мақсади.
2. Маъмурий жазонинг вазифалари.
3. Маъмурий жазо чоралари тушунчаси.
4. Маъмурий жарима мазмуни.
5. Маъмурий жариманинг миқдорлари.
6. Маъмурий жарима қўлланилмайдиган ҳолатлар.
7. Ҳақини тўлаш шarti билан олиб қўйиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
8. Ҳақини тўлаш шarti билан олиб қўйиш қўлланилмайдиган ҳолатлар.
9. Мусодара қилиш мазмуни ва хусусиятлари.
10. Мусодара қилиш қўлланилмайдиган ҳолатлар.
11. Махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш тушунчаси ва турлари.
12. Махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш қўлланилмайдиган ҳолатлар.
13. Маъмурий қамоққа олиш мазмуни.
14. Маъмурий қамоққа олишни қўлловчи органлар.
15. Маъмурий қамоққа олиш қўлланилмайдиган ҳолатлар.
16. Маъмурий жазо тушунчасини беринг ва унинг мақсади нимадан иборат?
17. Маъмурий жазо чораларини санаб беринг?
18. Асосий маъмурий жазо деганда нимани тушунасиш?
19. Қўшимча маъмурий жазо деганда нимани тушунасиш?
20. Маъмурий жарима ва унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
21. Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шarti билан олиб қўйиш тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

22. Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарсга бўлган ашёни мусодара қилиш тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
23. Муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
24. Маъмурий қамокқа олиш тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

6. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Маъмурий жазо мақсади.
2. Маъмурий жазонинг вазифалари.
3. Маъмурий жазо чоралари тушунчаси.
4. Маъмурий жарима мазмуни.
5. Маъмурий жариманинг миқдорлари.
6. Маъмурий жарима қўлланилмайдиган ҳолатлар.
7. Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
8. Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш қўлланилмайдиган ҳолатлар.
9. Мусодара қилиш мазмуни ва хусусиятлари.
10. Мусодара қилиш қўлланилмайдиган ҳолатлар.
11. Махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш тушунчаси ва турлари.
12. Махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш қўлланилмайдиган ҳолатлар.
13. Маъмурий қамокқа олиш мазмуни.

7. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 08.12.1992 й. қабул қилинган.
- 2) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси 22.09.1994 й. 2015-ХИИ-сон Қонуни билан тасдиқланган.
- 3) Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабр Қонуни // ЎЗР ОМА, 2001, №1-2, 21-м.
- 4) “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 29.09.2010 й. ЎРҚ-263-сон Қонуни билан қабул қилинган // ЎЗР ОМПА, 2010 й.
- 5) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 2000 йил 21 сентябр Қарори // ЎЗР ҚХТ, 2000, № 6, 99-модда.
- 6) Хамедов И. Административное право. Учебник.- Т.:УМЭД, 2004. – 234 с
- 7) Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ: Бакалавриатнинг 5380100 - Юриспруденсия йўналиши талабалари учун дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев.– Т.: 2006.– 800 б.
- 8) Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Х.Т. Одилқориев, И.Исмаилов, Н.Т. Исмаилов ва бошқ.; проф. Х.Т. Одилқориев ва Б.Е.Қосимовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. – 640 б.
- 9) Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2008. – 608 б.